Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# КОНСТРУКТИВ ФИКРЛАР ВА АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди. Конструктив фикрлар билдирилди, асосли таклифлар илгари сурилди.*

## Ипакчилик соҳасини янада ривожлантириш зарурати

Депутатлар ипакчилик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган — "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, бугунги кунда ипакчилик тармоқларини кенгайтириш, юқори сифатли ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, республикамизда фаолият олиб бораётган ипакчилик корхоналарининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш бўйича изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Айни чоғда ипакчилик тармоғини комплекс ривожлантириш ва соҳада малакали кадрлар тайёрлашда йирик ипакчилик корхоналари ва замонавий лабораториялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича қатор дастурлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ипакчилик тармоғида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, янги корхоналар қуриш ва рақобатдош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш зарурлиги кўзга ташланмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Яйлов хўжаликларини ривожлантириш уюшмаси тизимининг субъектларида фаолиятни амалга ошираётган мавсумий ходимларга нисбатан вақтинчалик солиқ имтиёзлари қўлланилиши назарда тутиляпти. Ушбу давр мобайнида соҳадаги мавсумий ишчилар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланади.

Бундан ташқари, солиқ тўловчиларнинг ипак қурти уруғини ва пиллани етиштиришдан, пиллани қайта ишлашдан, тайёр ипак маҳсулотларини ҳамда ипакчилик тармоғи учун ёрдамчи материалларни ишлаб чиқаришда айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан озод этилиши ҳам лойиҳада ўз аксини топаётир.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши солиқ имтиёзларини қўллаш орқали пилла хомашёси етиштириш, соҳани янада ривожлантириш, пиллачилик корхоналарини хомашё билан таъминлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда ипакчиликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Фуқаролар соғлиғи ва ҳаётига хавф солувчи товарларни ишлаб чиқарганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

Мамлакатимизда тадбиркорликни, иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмолчилар ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, аҳоли соғлиғини сақлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда инсон соғлиғи ва ҳаётига хавфли бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳолатларининг ошиб бораётганлиги контрафакт ва сифатсиз товарларнинг муомаласига барҳам бериш, аҳоли саломатлигини кафолатлаш борасида кўрилаётган чоралар самарадорлигини янада оширишни тақозо этмоқда.

Мажлисда депутатлар томонидан контрафакт ва истеъмолга яроқсиз товарларнинг муомаласига чек қўйишга қаратилган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан инсон ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқарганлик ва муомалага киритганлик учун жазо чоралари кучайтирилиши таклиф этилмоқда. Хусусан, инсон соғлиғи ва ҳаётига хавф солувчи товарларни ишлаб чиқариш ва сотганлик учун учун жазо чоралари янада кучайтирилмоқда.

Шунингдек, этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши назарда тутилмоқда.

Қайд этилганидек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари томонидан санитария нормалари ва гигиена қоидаларига риоя этилмаслик инсон соғлиғига таъсир кўрсатишга сабаб бўлиши мумкин. Мазкур қонун лойиҳасида санитария ва ветеринария қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораси оғирлаштириляпти.

Бундан ташқари, тадбиркорнинг товар брендидан ноқонуний фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилиб, тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар тартиби аниқ белгилаб берилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, контрафакт ва истеъмолга яроқсиз маҳсулотларнинг муомаласига чек қўйиш ҳамда ишлаб чиқарувчилар манфаатларини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда депутатлар томонидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилиб, қонун лойиҳаси қабул қилинди.

## Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланганлар мол-мулк ва ер солиғидан озод этилади

Мажлисда "Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни жадаллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Президентимиз томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахсларга бир қатор солиқ имтиёзлари белгиланмоқда.

Хусусан, юридик шахслар умумий қуввати 100 кВт.гача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари орқали электр энергиясини ишлаб чиқариб умумий тармоққа сотганда фойда солиғи ҳамда улар бўйича мол-мулк ва ер солиғини тўлашдан озод этилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, уй-жойда умумий қуввати 100 кВт.гача бўлган қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиғини тўлашдан озод этилиши белгиланяпти.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали республика ҳудудларида энергия тақчиллигини бартараф этиш, инвесторлар учун қулай шароитлар ва рағбатлантириш механизмларини белгилаш имконини беради.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Вояга етгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган деб ҳисобланиши белгиланмоқда

Кейинги йилларда мамлакатимизда болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонуний манфаатларини давлат томонидан кафолатлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ вояга етмаганлар деганда 18 ёшга тўлмаган шахслар тушунилади. Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларида мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги даври бошланди, яъни вояга етмаганлар ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари янада мустаҳкамланди.

Жиноят қонунчилигида вояга етмаганларнинг жавобгарлиги, уларга нисбатан жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлса-да, бироқ вояга етмаган шахсларнинг, шу жумладан, шахснинг вояга етмаган даврида содир этган жинояти учун судланганлигининг тугалланиши оид алоҳида норма мавжуд эмас.

Шундан келиб чиқиб, соҳадаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган — "Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77 ва 85-моддаларига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун Кодекс жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди.

Жиноят кодекси қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

Судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади, шунингдек, содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан шахснинг вояга етмаган даврида содир этган жинояти учун қонун олдида ўз жазосини тўлиқ ўтаб бўлгандан сўнг унинг оқибатлари келгуси ҳаётига таъсир қилмаслиги ва ўз ҳаётини янгитдан бошлаши учун имконият берилишини таъминлаш мақсадида вояга етгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган деб ҳисобланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддати 6 ойдан 1 ойга қисқартирилмоқда. Шунга кўра Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимча киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигини янада либераллаштириш, вояга етмаганлик даврида содир этган жинояти учун жазони тўлиқ ўтаб бўлган шахсга, ўз ҳаётини судланганлик тамғасидан холи тарзда янгитдан бошлашига имкон беради.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Муносабат

## КОНТРАФАКТ ВА ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚСИЗ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ МУОМАЛАСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида инсон ҳаёти учун хавфли бўлган товарларни ишлаб чиқарганлик учун жазо чораларини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, санитария ва ветеринария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазони оғирлаштириш, ҳайвонларнинг карантини қоидаларига риоя этмаслик ҳамда ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш таклиф этилмоқда.

Айтиш жоизки, янги таҳрирдаги Конституциямизда қонунлардаги зиддиятлар ва ноаниқликлар шахс фойдасига ҳал этилиши шартлиги белгиланди. Лекин "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунда мавжуд бир қатор ноаниқликлар ва бўшлиқлар амалда жиддий муаммоларни келтириб чиқаряпти.

Шу жиҳатдан, ушбу қонун лойиҳасида қонун бузганлик учун лицензияси бекор қилинган талабгорга 1 йилгача лицензия ҳамда 6 ойгача хабардорлик ҳужжатини қайта беришни чеклаш, давлат манфаатларига зарар етказиш, тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиш билан боғлиқ қилмишлар лицензия талабини қўпол бузиш, ўтказиладиган текширишлар ваколатли орган билан келишилган ёки хабардор қилган ҳолда амалга ошириш белгиланаётир.

Мажлисда қонун лойиҳаси обдон муҳокама қилинди, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш ва маромига етказиш бўйича бир қатор таклифлар берилди. Лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан асосли саволлар кўтарилди ва уларга мутасаддилардан батафсил жавоблар олинди. Эндиликда берилган таклифлар асосида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаймиз ва депутатлар томонидан берилган фикр-мулоҳазаларни қонун лойиҳасига сингдирамиз.

Умуман олганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлигини кафолатлаш, контрафакт ва сифатсиз маҳсулотларнинг муомаласига чек қўйишга хизмат қилади.

**Баҳром РАҲМОНАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда инсонни эъзозлаш, айниқса, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бу борада бир қатор самарадор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Масалан, пахта йиғим-теримида болалар меҳнатининг олдини олиш бўйича қатъий чоралар кўрилди. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун жавобгарлик кучайтирилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир. Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади, деб белгилаб қўйилди.

Бу эса давлат болаларни ҳар доим қўллаб-қувватлайди, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уларнинг таълим олиши, соғлиғини сақлаш, ҳаётга мослашишига ҳуқуқий шароитлар яратади, деган и.

Парламент қуйи палатаси мажлисида кўриб чиқилган "Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77 ва 85-моддаларига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ҳам бу борада муҳим янгиликлар акс этаётгани эътиборга молик.



Зеро, ушбу қонун лойиҳасида вояга етгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган ҳисобланиши (бундан ўта оғир жиноятлар мустасно) белгиланмоқда. Бунинг замирида эса юксак инсонпарварлик тамойиллари ўз ифодасини топган.

Умуман олганда, инсон ҳуқуқлари бола ҳуқуқларини таъминлашдан бошланади. Мазкур қонун лойиҳасида ўз ифодасини топган янгиликлар ёшларнинг ўз ҳаётини янгитдан бошлаши, юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши учун кенг имкониятлар яратади.

**Даврон АРИПОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

## ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ



Кейинги йилларда дунёда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш миқёсини кенгайтириш долзарб масалага айланмоқда. Энергия ресурсларига бўлган талабнинг ошаётгани, углеводород хомашёси захираларининг камайиб бораётгани янги муқобил энергия манбаларини топишни ва жорий этишни тақозо этяпти.

Мамлакатимизда энергия манбаларини кўпайтириш ва улардан тежаб фойдаланиш бўйича олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида охирги олти йилда 5 минг мегаватдан зиёд янги электр қувватлари яратилди.

Шунингдек, сўнгги йилларда юртимизда генерация қувватларини ошириш мақсадида халқаро компаниялар билан умумий қиймати 10 млрд. 148 млн. долларга тенг, умумий қуввати 11 954 МВт бўлган 25 та электр энергиясини сотиб олиш шартномаси ва инвестиция битими имзоланди.

Мазкур битимларга кўра, 2026 йил якунига қадар юртимизда умумий қуввати 11 954 МВт бўлган 25 та электр станция ишга туширилади. Бу — Ўзбекистонда амалдаги электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг 60 фоиздан ортиғини ташкил қилади, дегани.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама этилган "Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни жадаллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ҳам аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим янгиликлар ўрин олган.

Ялпи мажлисда ушбу қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди. Муҳокамалар давомида лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича кўплаб таклифлар берилди. Улар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инобатга олинадиган бўлди.

Шу нуқтаи назардан айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши энергия самарадорлигини ошириш орқали республика ҳудудларида энергия тақчиллигини бартараф этиш, фуқароларни барқарор энергия манбаи билан таъминлаш ҳамда халқимиз турмуш шароити янада яхшиланишига хизмат қилади.

**Носиржон АМИНОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

# ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ

*Маълумки, юртимизда хотин-қизларнинг ва болаларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилган бўлиб, у замон талаби асосида такомиллаштириб борилмоқда. Зеро, соғлом оилани шакллантириш орқали жамиятда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган.*

## Мушоҳада



Айтиш жоизки, кейинги йилларда ушбу соҳани ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллашмоқда. Бежиз "ишончли ҳимоя қилиш" тушунчаси келтирилмади. Бу орқали мавжуд амалиётни қайта кўриб чиқиш, ҳаётда, матбуотда реал воқеликни акс эттириш, соҳадаги муаммоларга ечим топиш, талабга жавоб бермайдиган ҳуқуқий нормаларга ўзгартишлар киритиш, бу борадаги жавобгарлик чораларини янада кучайтириш назарда тутилаётир.

Афсуски, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан, салбий ҳолатлар, яъни хотин-қизлар, вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқлар, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишда тўсиқлар ҳали ҳам учраб турибди. Қолаверса, хотин-қизлар орасида ўз ҳуқуқларини яхши билмайдиган, мунтазам қийноққа учрагани учун қўрқоқ, ожиз, ҳимоясиз бўлиб қолганлар ҳам бор. Кўп ҳолатларда улар суд ёки бошқа органларга мурожаат қилмай, оилавий зўравонликка чидаб яшаб келмоқда. Янада ачинарлиси, бу зўравонликка унинг вояга етмаган фарзандлари ҳам гувоҳ бўлиб, уларнинг яхши муҳитда тарбияланиш ҳуқуқлари бузилаётир. Болаларнинг келажакка ишончи йўқоляпти, таълим олишга бўлган лаёқати пасаймоқда, руҳий ҳолатида кескин муаммолар келиб чиқяпти, шу орқали ота-оналик мақомига путур етяпти.

Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар жабрини биринчи галда аёллар тортади. Бу кўплаб аёлларнинг ҳуқуқлари топталишига, турмуш тарзидан қониқмай, ҳатто ўз жонига қасд қилиш даражасигача боришига, вояга етмаган фарзандларнинг она меҳридан эрта жудо бўлишига сабаб бўлади. Сўнгги пайтларда аёллар билан боғлиқ бир неча кўнгилсиз ҳодисалар ҳам рўй берди. Буларнинг барчаси юртимизда ечилиши лозим бўлган қатор ўткир муаммолар мавжудлигини ва соҳани тартибга солувчи қонунчиликда айрим бўшлиқлар мавжудлигини англатади.

Шу сабабли давлатимиз раҳбари хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масаласига алоҳида урғу бериб, айни чоғда тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларни ҳимояга олиш тизимини такомиллаштириш зарурати борлигини бир неча бор қайд этганди. Мазкур ташаббус барча давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Албатта, бу амалдаги қонунчилик нормаларини пухта кўриб чиқишни талаб қилади. Шу муносабат билан яқинда "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Унга кўра хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан номақбул ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик янада кучайтирилди, шунингдек, оилавий зўравонлик, шилқимлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Қонунда оилавий (маиший) зўравонлик учун, таъқиб қилиш, шаҳвоний шилқимлик, аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Айни чоғда аёлларни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш, турмуш қуришга мажбурлаш ёки тўсқинлик қилиш учун ярашиш институтини қўлламаслик ҳам белгиланган. Буларнинг барчаси пировардида зўравонликнинг олдини олиш ва унинг мудҳиш оқибатларига барҳам беришга хизмат қилади.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс $59^{2}$-моддаси, яъни оилавий (маиший) зўравонлик учун жавобгарлик белгиланиб, худди шу ҳаракатларни бир йил ичида қайта содир этган тақдирда Жиноят кодексининг $126^{1}$-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланди.

Жиноят кодекси $141^{3}$-модда, яъни шахс шаънини ва қадр-қимматини камситувчи, инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи модда билан тўлдирилди. Унга кўра товламачилик аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шахсий розилигисиз яланғоч ҳолдаги фото, видеотасвирни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёки бундай ахборотни тарқатиш билан қўрқитиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 бараваридан 600 бараваригача жарима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс шаҳвоний шилқимлик қилганлик учун жавобгарликни белгиловчи $41^{1}$-модда билан тўлдирилди.

Эндиликда шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатлар бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 дан 5 баравангача жарима солишга ёки 5 суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Бу ҳаракат маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Шунингдек, ота ва она ўз фарзандини тарбиялашда мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди, агар ота ёки она яшаш жойида уч ойдан ортиқ бўлмаганда ёки узрли сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмаганда вояга етмаган фарзандига васий ёки ҳомий тайинламаса, маъмурий жавобгарликка тортилади.

Айрим ота-оналар ишлаш учун ёки бошқа бир сабаб билан чет элга ёки яшаш жойидан узоқроқ ҳудудга кетиб, фарзандларини қариндошлари ёки танишларига ташлаб кетади, қариндошлар яхши бўлса, бола ҳуқуқлари бузилмайди. Лекин амалиётда болалар қаровсиз қолиб, уларнинг тарбияси билан ҳеч ким шуғулланмаслиги, энг ёмони, билиб ёки билмай жиноят йўлига кириб қолиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Шундан келиб чиқиб, ота ва оналарга мажбуриятларини тўлиқ бажариш ва улар йўқлигида фарзандига ҳомий ёки васий тайинлаш мажбурияти белгиланмоқда, акс ҳолда улар жавобгарликка тортилади.

Жиноят кодексининг 73-моддасидаги жазодан муддатидан илгари шартли озод этиш каби нормалар вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилган жиноятлар учун, жумладан, вояга етмаган шахснинг номусига тегканлик, жинсий алоқада бўлиш, уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилганлик, вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, намойиш этиш, қўшмачилик қилганлик, фоҳишахоналарни ташкил этганлик учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Эътиборлиси, вояга етмаган шахсларга нисбатан бу каби жиноятларни содир этган шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди, жазо муддатлари ва миқдори оширилди.

Қолаверса, эндиликда аёлларнинг тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя ордери муддати бир йилгача жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан узайтирилиши белгиланди.

Келтирилганлардан ҳам кўриниб турибдики, ушбу қонун бугунги кун учун ниҳоятда долзарб. У халқимизнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини янада ошириш, хотин-қизлар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, уларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олиш, шу ҳаракатни содир этган шахсларга адолатли жазо чораларини белгилаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ҳамда болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

**Гулнора МАЪРУФОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Хотин-қизлар ва гендер**
**тенглик масалалари қўмитаси**
**аъзоси.**

# ГЕНДЕР ТЕНГЛИККА ЭРИШИШ СТРАТЕГИЯСИ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

*Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси йиғилишида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижросининг бориши масаласи муҳокама қилинди. Унда сенаторлар, экспертлар гуруҳи аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашди.*

## Сенат қўмитасида

Дастлаб гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берилди.

Қайд этилганидек, сиёсий партиялар томонидан "Сиёсатчи аёллар" тўғрисида 100 га яқин медиа маҳсулотлар тайёрланиб, ижтимоий тармоқлар орқали ёритилган, шунингдек, партияларнинг ижтимоий-сиёсий нашрлари орқали гендер тенгликка оид 300 дан ортиқ материаллар чоп этилган. Айни чоғда миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар улушини 30 фоизга етказиш мақсадида "Раҳбар аёллар мактаби" ўқув дастурига мувофиқ 53 нафар опа-сингилларимиз ўқитилган.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари томонидан меҳнат жамоаларида зўравонлик турлари ва уларнинг олдини олиш бўйича қисқа муддатли семинар-тренинглар ташкил этилиб, жами 2 мингдан зиёд иштирокчи қамраб олинди.

Хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган салкам 11 минг тарқатма материаллар, 398 та видеоролик тайёрланган ҳамда маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда 10 мингдан зиёд учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилган.

Тадбир давомида сенаторлар томонидан Гендер тенгликка эришиш стратегиясида белгилаб берилган вазифалар, чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда бу борадаги ишларни кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокама жараёнида ўз вақтида бажарилмаётган айрим вазифалар ижросига эътибор қаратилиб, вазирлик ва идораларга тегишли тавсиялар берилди.

Хусусан, барча давлат органларидаги хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича Маслаҳат кенгашлари аъзоларини махсус дастур асосида ўқитиш, гендер стереотипларни бартараф этишга қаратилган видео ва аудио материалларни оммабоп ижтимоий тармоқлар ва блогларда кенг тарғиб қилиш, давлат бошқаруви органлари меҳнат жамоаларида зўравонлик турлари ва уларнинг олдини олиш бўйича қисқа муддатли ўқувлар қамровини кенгайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ДАСТУРИДА ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ КОНЦЕПЦИЯСИ

*Шу йил 5 июнь санасида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Улуғбек Илясович Иноятовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод сифатида рўйхатга олди.*

*Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг дастури шу йил 29 май санасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг XIII қурултойида бир овоздан маъқулланган эди.*

*Мазкур дастурда кучли ижтимоий сиёсат, арзон уй-жой ва сифатли коммунал хизматлар, кафолатли ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, ёшлар учун таълим кафолатларини мустаҳкамлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, товар ва хизматларнинг ижтимоий мақбуллиги, ижтимоий тенгликка асосланган демократия, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, конструктив ташқи сиёсатга оид 9 та устувор йўналиш бўйича аниқ ва манзилли таклиф ҳамда ташаббуслар илгари сурилган.*



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсади — ижтимоий давлат концепцияси. Шу боис ҳам номзоднинг дастурида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ижтимоий давлат мақомидан келиб чиқиб, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш механизмларини мустаҳкамлаш ҳамда демократик ижтимоий давлатни барпо этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, ижтимоий сиёсат ҳар бир давлат ривожланиши ва бошқарувининг, таъбир жоиз бўлса, таянч устунидир. Жамиятдаги турли шахслар ва турли гуруҳлар ўртасидаги тенгликни тартибга солишда, ижтимоий адолат ва ижтимоий мувозанатни таъминлашда унинг ўрни беқиёс. Тадқиқотчи олимлар ижтимоий сиёсатни тарихий феномен сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида қарор топган, деган қарашни илгари сурсалар-да, олис мозий инсоният тамаддунида ижтимоий тенгсизлик ва ижтимоий зиддиятларни бартараф этишда иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа таъсир механизмларини амалда қўллаган давлатлар сафи оз бўлмаганини кўрсатади.

**Ижтимоий давлат** барпо этишни ўзининг энг олий мақсади деб билган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакат Президентлигига номзоди томонидан илгари сурилаётган **дастур айнан шу ҳақиқат асосига қурилган.**

Моҳиятан турли ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг иқтисодий ҳолати, улар ўртасидаги даромадлар, истеъмол кўрсаткичи, меҳнат шароитлари, соғлиқни сақлаш ва бошқалар бўйича фарқларни аниқлаб, тенгсизлик сабабларини ўрганган ҳолда мавжуд ижтимоий тафовутларни бартараф этишнинг узил-кесил чора-тадбирларини таклиф қилаётган ушбу дастур **“Давлат аҳоли манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиши лозим”,** деган позицияни тутган ҳолда қатор аниқ ва пухта ғоя-ташаббусларни қамраб олган.

Маълумки, мамлакатимизда хусусий сектор ролини янада ошириш йўлидаги ислоҳотлар салоҳиятли мулкдорлар сафининг тобора кенгайишига замин яратмоқда. Улар элу юрт равнақини жадаллаштирувчи куч сифатида майдонга чиқмоқдалар. Бу яхши, албатта. Шу билан бирга, давлат ва жамият кўмагининг у ёки бу шаклларига эҳтиёжманд қатлам вакиллари ҳам бор. Кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, ишсизлар, болалар ҳамда бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар мавжудлиги эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида намоён бўлиши табиий. Жумладан, бунинг ҳуқуқий негизини Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясининг 1-моддасида белгиланган асосий қоидалар ташкил этади. Юқорида келтирилган дастурда кучли ижтимоий сиёсат юритишда, авваламбор, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари яшаш шароитларини янада яхшилаш кераклиги баён этилгани сабаби ҳам шунда.

Тўғри, ўтган йиллар давомида давлатимиз бу осон бўлмаган вазифани маълум даражада уддалаб келмоқда. **Таълим, тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий қатлам вакилларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш** соҳаларида ҳаттоки кўпгина давлатларга ибрат бўлгулик тажриба шаклланди.

Бироқ ҳар бир инсоннинг бахтли ва фаровон яшашга ҳаққи бўлганидек, эҳтиёжманд фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун **бугунги давр давлатимиз олдига янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Айниқса, ўтган йиллар давомида содир бўлган глобал пандемия ва унинг оқибатлари жамиятда барқарор кайфият бўлиши учун изчил ижтимоий ислоҳотлар нечоғли муҳимлигини кўрсатди.**

Эҳтиёжманд қатлам вакилларининг турмуш даражасини кўтариш ҳақида сўз борар экан, бунда энг илғор хорижий тажрибалар асосида камбағаллик чегарасини қайта кўриб чиқиш ҳамда ундан паст даромад олувчи фуқароларга амалий кўмаклашиш чора-тадбирларини янги босқичга олиб чиқиш талаб этилади. Дастурда бунинг мантиқий давоми сифатида ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларига етадиган энг кам истеъмол харажатларини қонун даражасида белгилаш, ушбу мақсадда **“Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”-ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш** масаласи ҳам эътибордан четда қолмаган.

Чунки ҳар йили мамлакатимизда минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегараси инфляция даражасидан келиб чиқиб эълон қилинаётганига қарамай, бу борада маълум бир ҳуқуқий бўшлиқлар юзага келганлиги сир эмас. Айни йўналишда халқаро стандартларга мос, такомиллашган ташкилий-ҳуқуқий механизмни шакллантириш ҳамда жамиятимизда юзага келадиган бу борадаги муҳим саволларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ечимини топиш вақти келган.

Ҳар йили юзлаб эмас, балки юз минглаб ишга лаёқатли йигит-қизлар кириб келаётган меҳнат бозорини тартибга солиш, фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ва шу орқали камбағалликни қисқартириш, оилалар, болалар, аёллар, қариялар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар тарафлама ғамхўрлик қилиш кучли ижтимоий сиёсат юритишда навбатдаги долзарб вазифа сифатида келтирилади дастурда.

Бунда, айниқса, юртимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган ёшларнинг касб-ҳунар танлаши, бепул таълим олиши, ўқув муассасаларини тугатгандан сўнг ишга жойлашиш кафолатларини мустаҳкамлаш, иш билан таъминланмаган фуқароларни, хусусан, ишсиз аёллар сонини камайтириш, фуқароларнинг камбағаллик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олиш ёки камбағаллик тоифасига кирган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чораларни кўриш айни муддаодир.

Таъкидлаш керакки, бугун жамиятимиз ҳаётида учраётган аксарият муаммолар, ёшлар, хотин-қизлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ортида кўпинча ишсизлик билан боғлиқ масалалар туради. Шу боис ҳам бу борада янада самарали ечимларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Дастурда кам таъминланган, лекин **боқимандалик кайфиятида юрган фуқароларни жамиятимизнинг фаол иштирокчисига айлантириш масаласи ҳам алоҳида кўрсатилган.** Бу нима дегани? Наҳотки одамларимиз орасида ҳамон боқимандалик кайфияти кузатилаётган бўлса?

Халқимизнинг омилкорлик, меҳнатсеварлик фазилатларига асло дахл қилмаган ҳолда, билагида кучи бору, эшиги оғзида қаровсиз ётган ўн сотих ерга битта ниҳол қадашни истамайдиганлар ҳам учраб туришини яширмайлик. Қўпол қилиб айтганда, “Берсанг — ейман, урсанг — ўламан” қабилида давлат томонидан бериладиган ёрдам илинжида кун ўтказиш кайфиятида яшаётганлар орамизда топилади. Хўш, бундай шароитда бу тоифа инсонларнинг ҳаётий қарашларини, мақсадларини ўзгартириш, ижтимоий фаолликни уйғотиш давлат ва жамият учун кони фойда-ку! Қолаверса, қўл билан берганга қуш тўймас, дейдилар.

Шу билан бирга, жамиятда шундай қатлам вакиллари борки, уларни қашшоқликдан ҳимоялаш, **конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариши учун давлат томонидан зарур ёрдамлар кўрсатилиши шарт** ва бу ижтимоий адолат тамойилига хизмат қилади. Улар пенсия ва нафақа олувчилардир.

Мамлакатимизда 60 ва ундан катта ёшдаги фуқаролар сони йилдан-йилга ошиб бораётганлигини инобатга олиб, ХДП номзоди дастурида **пенсия ҳамда ижтимоий нафақаларнинг инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришига эришиш мақсадини устувор қилиб келтиргани эътирофга лойиқ** яна бир жиҳатдир.

Дастурга мувофиқ, эр ёки хотини вафот этганида ва вафот этган шахс кўпроқ пенсия олган тақдирда, ушбу пенсияни унинг ҳаёт бўлган турмуш ўртоғига ўтказиб бериш **(пенсияни алмаштириш)** тартиби жорий этилишини ижтимоий адолат мезонларига уйғун ташаббус сифатида баҳолаш мумкин.

Эҳтиёжманд шахсларга ажратилаётган моддий-ижтимоий ёрдам маблағлари манзилли ва мақсадли етиб бориши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга урғу берилиши эса мазкур соҳада қонун талабларига сўзсиз риоя этилишини, шаффофликни таъминлашда давлат билан бир қаторда **жамоатчилик институтлари ҳам бирдек масъул** эканини англатади.

Ҳар қандай давлат тараққиёти, ундаги ижтимоий-маънавий муҳит яна бир эҳтиёжманд қатлам — ногиронлиги бор шахсларга нисбатан муносабат орқали ҳам аниқланади. Афсуски, жамиятимизда ҳамон шундай стереотиплар борки, турли сабабларга кўра имконияти чекланган инсонларга ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаоллик кўрсатишига кўп ҳам имкон берилавермайди.

> **Мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида намоён бўлиши табиий. Жумладан, бунинг ҳуқуқий негизини Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясининг 1-моддасида белгиланган асосий қоидалар ташкил этади. Юқорида келтирилган дастурда кучли ижтимоий сиёсат юритишда, авваламбор, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари яшаш шароитларини янада яхшилаш кераклиги баён этилгани сабаби ҳам шунда.**
> **Тўғри, ўтган йиллар давомида давлатимиз бу осон бўлмаган вазифани маълум даражада уддалаб келмоқда. Таълим, тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий қатлам вакилларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш соҳаларида ҳаттоки кўпгина давлатларга ибрат бўлгулик тажриба шаклланди.**

Мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида намоён бўлиши табиий.

Уларнинг таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлашда айрим ўзини оқламаган тартиб-меъёрлардан воз кечилганича йўқ. Бу тоифа инсонларга эътибор биргина биноларда лифт ёки пандус ўрнатиш, ойлик нафақасини бериш билангина чегараланмайди. Ҳозирги замон барча фуқаролар, шу жумладан, ногиронлиги бор шахслар учун ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишда тенг имкониятларни берадиган инклюзив жамиятни яратишни, давлатдан барча дастурларда ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва уларнинг ҳаётнинг барча жабҳасида иштирок этишини кафолатлаш мажбуриятини талаб этмоқда.

Дастурда мазкур йўналишда миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенциясининг тамойиллари ва меъёрларига мувофиқлаштириш; ногиронлиги бўлган шахсларга оид халқаро меъёрлар ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш; мамлакатимизда БМТнинг Ногиронларга нисбатан умумжаҳон ҳаракатлар дастурини амалга ошириш бўйича зарурий чоралар кўриш вазифалари ўз ифодасини топган. Буларнинг бари пировардида ногиронлиги бор инсонларнинг турмуш сифатини яхшилашда халқаро илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этишга кенг йўл очади.

Фуқаролари учун фаровон ҳаёт яратишни, барқарор ривожланиш йўлини танлаган давлат борки, бу чақириқларга эътиборсиз қолмайди. Ўзбекистон ҳам, инчинун. ХДПдан Ўзбекистон Президентлигига номзод У. Иноятовнинг дастури кучли ижтимоий сиёсат юритиш ғояси билан суғорилгани унинг том маънода инсонпарварлик ва тараққиёт тамойилларига уйғунлигини кўрсатади.

**Уй-жой сиёсатида ижтимоий адолат мезонлари устувор бўлмоғи керак.** Ҳар бир инсоннинг фаровон ва хотиржам яшашида илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш, ишсизликдан ҳимояланиш каби ҳақ-ҳуқуқлари қаторида уй-жой билан таъминланиши ҳам муҳим ўрин тутади. Айниқса, халқимиз уйли-жойли бўлишни муносиб ҳаёт кечиришнинг асосий шартларидан деб билади. “Уйи борнинг ўйи бўлмайди”, “Уй — Ватан ичра ватан”, “Ўз уйим — ўлан тўшагим” сингари мақоллару нақллар жамиятимизга шу қадар сингиб кетганки, ҳали мурғак ўғлига эзгу ният билан иморат солиш учун терак экишдек одатларимиз, замонлар ўзгарса-да, унутилгани йўқ. Чиндан ҳам инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари, аввало, муқим ва қулай бошпанага эга бўлишдан бошланади. Ахир уйинг бўлса, кўнглинг тинч, турмушинг ҳаловатли, рўзғоринг бут бўлади. Дарвоқе, янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилди (47-модда).

Шу муносабат билан ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, эҳтиёжманд ва ёш оилалар, алоҳида ёрдамга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, уларга субсидиялар бериш, имтиёзли ва узоқ муддатли ипотека кредитлар ажратиш қамровини оширишимиз ҳамда уларни шу йўл орқали ижтимоий қўллаб-қувватлаш суръатини янада кенгайтиришимиз лозим.

Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Президентлигига номзоди дастурида бу саволга жавобан мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар қамровини бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда янада юқори даражага кўтариш зарурати мавжудлиги қайд этилади. **“Биз камбағалларга, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногирон фарзандларни тарбиялаётган ота-оналар, оғир ижтимоий аҳволга тушган аёллар учун арзон уй-жойлар қурилишини янада кенгайтириш тарафдоримиз”,** дейилади унда. Ва мазкур масаланинг ечими сифатида бир қатор вазифалар келтирилади. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг 57-моддасида белгиланганидек, “меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги” дастуримизда кўрсатилган вазифаларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Мамлакатимизда замонавий инновацион технологиялар асосида қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш шулар сирасидандир.

Таъкидлаш лозимки, бозор муносабатлари шароитида маҳаллий қурилиш материаллари нархи ва сифати ҳамон баҳсталаб экани табиий. Шунинг учун янги қурилаётган уй-жойлар таннархи борасида ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам вакиллари учун ҳам малол келмайдиган даражада шароитларни яратиш чораларини ишлаб чиқиш, турли ёшдаги одамларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда уларга барча қулайликларни яратиш зарурати мавжуд. Демак, ушбу мақсадларга эришиш йўлида халқаро илғор тажрибалар асосида қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқаришда инновацион ёндашувларни жамиятга татбиқ қилиш ҳамда бу жараён давлат томонидан рағбатлантирилиши орқали эришиш мумкин.

Дастурдаги кам таъминланган аҳоли учун арзон уй-жой қуришга имтиёзли ипотека кредити бериш амалиётини янада кенгайтириш ва қонун даражасида тартибга солиш, **“Уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”**ги қонунни қабул қилиш ташаббусларини ҳам бугун жамиятимизда ушбу жабҳадаги муаммоларнинг халқчил ечими бўла олади, дейиш мумкин.

Уй-жой қурилиши 2020 йилдан эътиборан нодавлат сектор қўлига ўтгани аҳолининг бу борадаги эҳтиёжини тўла қондиришга, соҳада рақобат муҳитини юзага келтиришга хизмат қилмоқда. Лекин тураржойлар барпо этишда аҳоли маблағларини жалб қилган айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан шартнома шартларини ўз вақтида ва сифатли бажармаслик ҳолатлари юз бераётгани таассуфли.

Янги қурилаётган кўп қаватли тураржойдаги хонадон учун бошланғич бадал пулини тўлаб, бу уй битишини бир неча йиллардан бери кутаётган, ўзи эса ижарада яшаётган оилалар учраб турибди. Мана шундай қонунбузилишларни бартараф этиш учун тураржойларни қуришда жалб қилинган аҳоли маблағларини ҳимоялаш кафолатлари тизимини яратиш, бунинг учун эса **“Кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш қўшган ҳолда қуришда иштирок этиш тўғрисида”**ги қонунни амалиётга киритиш ҳаётий заруратга айланди.

Маълумки, бу йилги қиш фаслининг нисбатан аёзли келгани, баҳор мавсуми илк палласидаги серёғин кунлар, ёз фаслининг йилдан-йилга жазирама бўлиб бораётгани жойларда коммуникация тизимидаги ва коммунал хизматлардаги камчиликларни рўйирост кўрсатиб бермоқда. Шуниси аниқки, бугун фуқаролар сифатли коммунал хизматлардан фойдаланишлари учун давлат томонидан қўшимча аниқ ва зарур амалий чора-тадбирларни кутмоқда.

ХДП номзоди дастурида масаланинг бу жиҳатига ҳам тўхталиб ўтилгани, аҳолини арзон электр энергия, иссиқлик ва иссиқ сув тизими билан таъминлаш бўйича ҳудудий инвестиция дастурларини давлат-хусусий шериклик тартибида амалга ошириш, коммунал хизматлар тарифлари устидан **жамоатчилик назоратини кучайтириш вазифалари белгилангани** мақсадга мувофиқдир.

Яна бир муҳим масала. Юртимиз ҳудудларида, асосан, пойтахт туманларида бунёдкорлик ишларини олиб боришда ноқонуний қурилишлар ҳам учраётганини яширишнинг ҳожати йўқ. Тадбиркорнинг қайсидир йўллар билан қонунан рухсат этилмаган объект (кўпинча кўп қаватли уй-жойлар)ни қуришга уриниши ва баъзи ҳолларда бунинг уддасидан чиқиши алалоқибат техник ва маънан эскирган коммунал тизимларга ортиқча босимни пайдо қиляпти, кўп йиллик дарахтлар кесиб ташланиб, атроф-муҳитга жиддий зарар етказилаяпти.

Хуллас, бугун одамларимизни ранжитаётган бундай ўзбошимчаликларнинг олдини олишда давлат билан бир қаторда жамоатчилик назорати институти ҳам ишлаши шарт. Шуни инобатга олган ҳолда, дастурда турли ноқонуний қурилишларни тўхтатишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақбул чора сифатида келтирилади. Шаҳарларимизда, аҳоли яшаш пунктларида яшил ҳудудларни, истироҳат боғларини, болалар ўйин майдонларини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг дам олиш шароитларини яхшилаш ҳамда шаҳарсозлик лойиҳаларини амалга ошириш йўлида қонун нормалари талабларига асосланган ҳолда инсон омилини биринчи планга қўйиш асосий вазифамиз ҳисобланади. Аслида, ижтимоий адолат замирида ҳам инсонларни рози қилиш, кўмакка муҳтож қалбларга умид ва ишонч беришдек эзгу ният мужассам.

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятовни қўллаб-қувватланг!**

**Дилбар МАМАЖОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

# ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ЖАРАЁНИДА ХАЛҚАРО КУЗАТУВ ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ



1 Буларнинг барчаси ўзининг янги, янада юксалиш йўлини танлаган Ўзбекистонда сайловлар туб ўзгаришлар ва демократик ислоҳотлар, вужудга келаётган янги сиёсий муҳит шароитида ўтказилаётганидан ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг ушбу ўзгаришларга эътибори тобора ошиб бораётганидан ёрқин далолатдир.

### Халқаро кузатувнинг халқаро стандартлари ва миллий-ҳуқуқий асослари

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларини қамраб олган инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган.

БМТ, ЕХҲТ, Европа Кенгаши, Парламентлараро иттифоқ ва шу каби бошқа етакчи халқаро ташкилотлар ҳужжатларида акс эттирилган давлатнинг халқаро мажбуриятлари ва халқаро сайлов стандартлари имплементацияси асосида Ўзбекистонда миллий сайлов тизими шакллантирилди, сайловни ўтказиш ва сайловларни халқаро кузатишни ташкил этишни ҳуқуқий тартибга солиш амалга оширилмоқда.

Бу ҳужжатлар қаторига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги Халқаро конвенция, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW), Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, БМТнинг сайловларни ўтказилиши устидан халқаро кузатув тамойиллари тўғрисидаги декларацияси, ЕХҲТнинг инсоний ўлчовлари бўйича Копенгаген конференцияси йиғилишининг ҳужжати, Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация, Сайловларни ўтказишга оид тавсия этилган меъёрларнинг мажмуаси: 2002 йилда Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган раҳбарий тамойиллар ва изоҳловчи маъруза, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзо давлатларда сайловлар ва референдумлар устидан халқаро кузатиш тамойиллари тўғрисидаги МДҲ Парламентлараро Ассамблеясининг декларацияси ва бир қатор бошқа ҳужжатлар киради.

Янги таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларининг устуворлиги эътироф этилган. Мамлакатимизда халқаро кузатувчиларнинг фаолияти халқаро кузатув институтини тартибга солиш соҳасидаги халқаро ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро ҳужжатларга зид келмайдиган доирада миллий қонунчилик билан тартибга солинади ҳамда халқаро кузатувчиларни таклиф қилиш борасида етарлича ривожланган амалиёт мавжуд.

Ўзбекистондаги сайловларда халқаро кузатувчиларнинг мақомини ҳуқуқий тартибга солиш, шу жумладан, аккредитация қилиш тартиби, халқаро кузатувчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва чекловлари рўйхати Сайлов кодекси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси сайловида иштирок этувчи хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари тўғрисидаги низомлари билан тартибга солинади.

Хусусан, Сайлов кодексида сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш жойларида ва овозларни санаб чиқишда бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчиларнинг иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Марказий сайлов комиссиясининг Низомида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган кузатувчиларнинг сайловларда иштирок этиши тартиби батафсил белгилаб берилган.

Ўзбекистон халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиб, халқаро сайлов стандартларини жорий этишда конструктив ҳамкорликни амалга оширмоқда. Улар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ/ДИИХБ), ЕХҲТ Парламент ассамблеяси, Европа парламенти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ), МДҲ Парламентлараро ассамблеяси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ), Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) каби халқаро ташкилотлар бор.

Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси 2013 йилдан буён Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси (БСОА), 2014 йилдан эса Осиё сайлов органлари ассоциацияси (ОСОА) аъзосидир, ЕХҲТ/ДИИХБ, МДҲ ПА аъзо давлатлари Демократия, парламентаризм ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш халқаро институти (ДМХИ), Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси (IFES), ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар бўйича координатори, БМТТД каби халқаро ташкилотлар билан сайлов масалалари бўйича фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўтган даврда Ўзбекистонда сайловларни халқаро кузатишни ташкил этиш амалиёти тўла шаклланди. Шу жиҳатдан, таклиф этилаётган халқаро (хорижий) кузатувчиларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

**Биринчи гуруҳ** — кузатиш халқаро ҳужжатлар асосида амалга оширилаётган халқаро ва давлатлараро ташкилотлар. ЕХҲТ/ДИИХБ, ЕХҲТ Парламент ассамблеяси, Европарламент, МДҲ, МДҲ Парламентлараро ассамблеяси, ШҲТ, ИҲТ, ТДТ, Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси каби халқаро ташкилотлар шулар жумласидандир.

Таклиф этилаётган халқаро кузатувчиларнинг **иккинчи гуруҳини** ихтисослаштирилган орган ва ташкилотлар, шу жумладан, сайловлар ва референдумларни халқаро кузатишнинг асосий мақсадлари уларнинг устави ёки низомларида белгиланган давлатлараро ташкилотлар мақомига эга бўлмаган халқаро ташкилотлар ташкил қилади. Бу гуруҳдан, асосан, миллий Конституцияга ва сайлов, референдумлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ сайловлар, референдумлар ўтказишда профессионал иштирок этувчи хорижий сайлов органлари (комиссиялари) ва вазифаларига сайлов жараёнларини кузатишни ўз ичига олган бошқа органлар (миллий Адлия вазирликлари, суд ва бошқалар), миллий сайловлар, референдумларнинг илмий-амалий масалалари билан профессионал равишда шуғулланувчи уюшмалар ва ташкилотлар жой олган. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси, Бутунжаҳон сайлов органларининг ассоциацияси, Осиё сайлов органлари ассоциацияси, МДҲ ПАга аъзо давлатларнинг Демократия, парламентаризм ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш Халқаро институти, Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси каби тузилмалар шулар жумласидандир.

Халқаро кузатувчиларнинг **учинчи гуруҳи** Ўзбекистон томонидан хорижий кузатувчилар сифатида таклиф этилган ва касбий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сайловни кузатувчи олимлар ва тадқиқотчилар, сиёсатшунослар, сайлов ҳуқуқи соҳасидаги экспертлар, ҳуқуқшунослар, ҳуқуқ ҳимоячилари ва сиёсатшунослар киради.

### Халқаро кузатувчиларни аккредитациядан ўтказиш

Сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан сўнг Марказий сайлов комиссияси Ташқи ишлар вазирлиги орқали хорижий давлатларнинг сайлов органларига ва халқаро ташкилотларга таклифномалар юборади.

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар бу таклифга жавоб ва тегишли ҳужжатларни овоз бериш кунидан камида ўн кун олдин тақдим этиши керак. Ташқи ишлар вазирлиги тегишли хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг ҳужжатларини илова қилган ҳолда Марказий сайлов комиссиясига тақдимнома киритади. Марказий сайлов комиссияси беш кун ичида хорижий (халқаро) кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва рўйхатини ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилади.

Шу билан бирга, аккредитация учун тақдим этилган ҳужжатлар қўйиладиган талабларга жавоб бермаса, белгиланган муддатдан кеч тақдим қилинса, хорижий кузатувчининг ёки унинг номзодини кўрсатган ташкилотнинг фаолияти миллий қонунчиликка зид бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва миллий манфаатларига хавф солса — қонунчилигимизга мувофиқ аккредитация қилиш рад этилишига асос бўлади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитация қилинган хорижий кузатувчига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятини амалга ошириши учун асос бўлган тегишли мандат берилади.

### Халқаро кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Мамлакатимизнинг миллий сайлов амалиётида халқаро кузатувчиларнинг аниқ ҳуқуқий мақомини белгилаш модели тўла шакллантирилган. Давлатимиз халқаро кузатувчилар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиладиган бир хилдаги амалиётни кафолатлайди.

Сайлов кодексида хорижий кузатувчи маҳаллий кузатувчи (сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари) билан бир хил ҳуқуқларга эга эканлиги белгилаб қўйилган.

**Хорижий кузатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;

сайлов куни овоз бериш жараёнини кузатиш;

муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;

сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериши жараёнини кузатиш;

овозлар санаб чиқилаётганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузилаётганда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;

кузатув олиб бориш давомида ўзи ёллаган таржимон ҳамроҳлигида бўлиш;

сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);

кузатув натижалари бўйича оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш;

сайловолди ташвиқоти белгилари бўлмаган, фамилияси, исми ва отасининг исми, ўзи вакиллик қилаётган ташкилотнинг номи кўрсатилган кўкрак нишонлари тақиш;

округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;

ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин тегишли участка сайлов комиссиясини белгиланган тартибда хабардор қилиш;

агар сайлов участкасида сайловга оид қонунчилик ва халқаро нормалар талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка сайлов комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш, шунингдек, юқори турувчи сайлов комиссияларига хабар бериш;

сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш.

Халқаро кузатувчиларнинг бу ваколатлари халқаро стандартларга мос келади.

Хорижий кузатувчиларга берилган бундай кўплаб эркинликлар, ҳуқуқлар орқали улар бўлиб ўтаётган сайловлар жараёнларига объектив баҳо бериш учун маълумот тўплайди, сайлов қонунчилиги ва амалиётини ўрганади, сайлов ўтказувчи комиссиялар фаолиятига баҳо беради.

Шу билан бирга, халқаро ҳужжатларга кўра, давлатнинг ички иши ҳисобланган ва ташқаридан ҳар қандай ноқонуний аралашувдан ҳимояланиш лозим бўлган ички сиёсий жараёнларга билвосита ёки тўғридан-тўғри аралашиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, Марказий сайлов комиссиясининг хорижий (халқаро) кузатувчилар тўғрисидаги Низомида халқаро кузатувчиларга ўз ваколатларини амалга оширишда муайян мажбуриятлар/чекловлар белгиланганки, улар ушбу чекловларга риоя қилишлари шарт.

**Хорижий кузатувчилар қуйидагиларга мажбурдирлар:**

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, жумладан, Ўзбекистонда бўлиш қоидаларига, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларига амал қилиш;

сайловлар устидан халқаро кузатувни амалга ошириш борасидаги ўз вазифаларини холислик, сиёсий бетарафлик принципларига амал қилган ҳолда бажариш, сайловларни ўтказувчи комиссиялар, давлат органлари, мансабдор шахслар, сайловлар иштирокчиларига нисбатан қандай бўлмасин бирон-бир тарзда афзаллик билдиришдан воз кечиш;

барча даражадаги сайловлар ўтказувчи комиссияларга, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ҳамда бошқа ташкилотларга кирганида Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган мандатни шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда кўрсатиш;

ўз хулосаларини ўтказилган кузатув ва ҳақиқий материаллар билан асослаш.

**Хорижий кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:**

овоз берувчи овоз бериш бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

овоз берувчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

овоз берувчилардан улар қандай овоз берганликларини суриштириш ёки уларга овоз бериш бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

сайловлар ўтказувчи участка комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, овоз бериш қутиларини муҳрлаш, уларни очиш, овозларни санаб чиқиш чоғида аралашиш;

сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайловлар натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

Хорижий кузатувчиларнинг сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларда иштирок этиши Марказий сайлов комиссияси билан олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилади.

### Сайловларни ўтказишнинг миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш

Ўзбекистонда ўрнатилган халқаро кузатув амалиётига мувофиқ, сайлов жараёнлари мониторинги натижалари бўйича эълон қилинган хулосалар ва тавсиялар эътибордан четда қолмайди ҳамда сайлов ва сайловни ўтказиш амалиёти миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришни давом эттириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

1999 йилдан буён сайловларни кузатиш учун таклиф этилаётган ЕХҲТ/ДИИХБ билан фаол ҳамкорлик мисолида (парламент сайловлари: 2004, 2009, 2014, 2019 йиллар; президентлик сайловлари: 2007, 2015, 2016, 2021 йиллар, Конституция референдуми 2023 йил), Марказий сайлов комиссияси томонидан мувофиқлаштирилган ва сайлов жараёнининг барча иштирокчилари, эксперт ва мутахассислар, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олимлар ва амалиётчиларни жалб этган ҳолда парламент ва Президент сайловларини кузатиш натижалари бўйича сайловни кузатиш миссияларининг якуний ҳисоботлари асосида сайлов қонунчилиги ва амалиётини янада такомиллаштириш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ДИИХБнинг сайловларни кузатиш бўйича қатор тавсияларини босқичма-босқич амалга оширди. Бунга Сайлов кодексининг қабул қилиниши, сайлов жараёнига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилгани ва бир қатор бошқа киритилган янгиликлар яққол далолат бўла олади.

Масалан, ДИИХБ Сайловларни кузатиш миссиясининг Ўзбекистон бўйича Якуний ҳисоботларидан бирининг халқаро мажбуриятларга мувофиқ ҳуқуқий лаёқатга асосланган овоз бериш чегарасини қайта кўриб чиқиш бўйича тавсиясини амалга ошириш.

Биринчи навбатда, 2021 йил июль ойида мамлакатимиз томонидан БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилинди.

Кейинги қадам ҳуқуқ лаёқати чекланган шахсларнинг сайловларда бошқалар билан тенг ҳуқуқлилигини конституциявий даражада мустаҳкамлаш бўлди.

Янги таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (128-модда) суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкинлиги белгиланган. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Кейинчалик бу конституциявий норма сайлов қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилди. 2023 йил 6 май куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни қабул қилинди, унга кўра, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонуннинг ва Сайлов кодексининг тегишли моддалари янги таҳрирда баён қилинди. Муомалага лаёқатсиз шахслар фақат суд қарори билан сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкинлиги белгиланди.

Ушбу норма шахс ўз ҳуқуқий субъективлигини тан олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки бу ҳуқуқ чекланиши мумкин бўлган ҳолатларни истисно қилишнинг конституциявий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, халқаро кузатувчилар фаолиятининг халқаро ҳуқуқий асослари аввало, халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинади. Қўлланиши сайловларга доир миллий қонунчилик доирасида амалга оширилади. Бундай амалиёт мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар кузатувчиларининг сайловлардаги иштироки борасида халқаро мажбуриятларига тўла мосдир.

Шу нуқтаи назардан, Марказий сайлов комиссияси томонидан жорий йилнинг 9 июль куни бўлиб ўтадиган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларида халқаро кузатишни ташкил этиш мақсадида, хорижий давлатларнинг сайлов органлари ва халқаро ташкилотларга таклифномалар юборилгани халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу ғоят муҳим сиёсий тадбирни умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида, очиқ-ошкора ва шаффоф ўтказишга хизмат қилади.

**Гулноза РАҲИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси.**

## Нуқтаи назар

# АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА, ОИЛА БАХТЛИ, ЖАМИЯТ БАРҚАРОР БЎЛАДИ

*Бугун мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Ўзбекистон тарихида илк маротаба парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага, яъни қарийб 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди. Хотин-қизларнинг сиёсий партиялардаги улуши 47 фоиз, тадбиркорликда эса 37 фоизга етди.*



Агар 2017 йилда хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 27 фоиз бўлган бўлса, айни чоғда 33 фоизга етди. Ана шундай катта салоҳиятни янада ошириш, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг иштирокини кучайтириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди.

Аёл илмли бўлса, бирор-бир касб-ҳунарнинг сир-асрорини мукаммал эгалласа, ўзига ва оиласига нафи тегади. Ўзига нисбатан ишончи мустаҳкам оналар кўп ҳолларда фарзандини ўқимишли ва зиёли шахс сифатида вояга етказа олади. Шу жиҳатдан, сўнгги йилларда юртимизда хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникма олишлари, ўзлари учун муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти.

Давлат томонидан ажратилаётган грант дастурлари, уй-жой билан таъминлаш борасидаги субсидиялар бугун жамият ва давлат ҳаётида хотин-қизларнинг фаоллашишига имкон берди. Уларни республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчисига айлантирди.

Хотин-қизларнинг таълим олишига қаратилган ислоҳотлар жадаллашганини қуйидаги рақамлар орқали ҳам кўриш мумкин. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг шартнома пуллари тўлиқ бюджетдан қоплана бошлади. Ҳар йили 50 нафар қизлар нуфузли хорижий олийгоҳларга бакалавр ва 10 нафари магистратурага юборилиши йўлга қўйилди. Ҳар бир вилоятда эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган 150 нафар қизларнинг шартнома пуллари маҳаллий бюджетдан тўлаб берилди.

Аёллар ўртасидаги ишсизлик муаммоларини бартараф этиш учун уларни фақат ўқитиш ёки илм-фанга йўналтиришнинг ўзи камлик қилади. Шу сабабли охирги етти йилда мамлакатимизда аҳоли бандлиги, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароитлар, имкониятлар яратилди.

2022 йил 1 июндан бошлаб бу борада янги тизим йўлга қўйилди. Ҳар бир вилоятда мономарказлар ва олийгоҳлар қошида малакани баҳолаш марказлари ташкил этилди. Ушбу марказлар аёлларнинг талаб юқори бўлган ишчи касбларга ўқишини ташкил этади ва малакасини тасдиқлаб беради. 2022 йилда 30 минг нафар хотин-қизлар талаб юқори бўлган ишчи касбларга ўқитилди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, улар учун имтиёзли кредитлар бериш орқали хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик, ишлаб чиқариш соҳалари ривожланди. 2022 йилда 300 миллиондан ортиқ маблағ аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ишлари учун йўналтирилди, субсидиялар миқдори оширилди. Ўз томорқасида гул, лимончилик, мева-сабзавот етиштириш учун иссиқхона қуриш ҳамда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни йўлга қўйиш учун 35 млн. сўмгача имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, ўтган йили 872 мингдан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. 233 мингдан кўпроқ аёлларга 4 триллион 700 миллиард сўм кредит ажратилди. 252 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарлар ва тадбиркорликка ўқитилди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг миқёсли ислоҳотлар ҳақида гапирганда, опа-сингилларимизни кўпдан буён қийнаб келган уй-жой муаммосини ечиш мақсадида катта дастурлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2017 йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 8 минг квартирали 191 та кўп қаватли уй-жой қурилган бўлса, 2022 йилда 56 минг квартирали 1433 та уй-жой барпо этилди. Энг муҳими, ўтган йили 14 мингга яқин опа-сингилларимизнинг уй-жой шароити яхшиланди, қарийб 7 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга ижара тўловлари қоплаб берилди.

Хуллас, бундай изчил ислоҳотлар натижасида қанчадан-қанча хонадонларга қувонч ва шодлик кирди. Ҳаёт даражаси ва сифати тубдан ўзгарган минглаб аёлларимизнинг руҳи кўтарилиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланди. Аёлларнинг тақдири, бугуни ва келажаги учун давлат сиёсати даражасидаги юксак эътиборнинг ифодаси бўлган бундай шароитлар ва имтиёзлар мамлакатимиз тарихида ҳали бўлмаган.

Бугун ҳеч бир хотин-қиз давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, сўнгги йилларда "аёллар дафтари" доирасида ҳам катта тадбирлар амалга оширилди. Қисқа муддатда кўплаб опа-сингилларимизга амалий ёрдам кўрсатилди, бандлиги таъминланиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашларига кўмаклашилди.

Гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди. Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги нафақат қонунларимизда, балки Бош қомусимиздан ҳам мустаҳкам ўрин олди. Раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун тенг имкониятлар яратиш, ҳомиладор бўлиши ёки ёш болали эканлигини рўкач қилиб аёлларни ишга қабул қилмаслик каби ҳолатларга янги таҳрирдаги Конституциямиз орқали чек қўйилди.

Бу саъй-ҳаракатлар хотин-қизларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги тўлақонли фаол иштирокини таъминлаш билан бирга, 2030 йилга қадар бошқарув лавозимларида ишловчи хотин-қизлар улушини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу орқали эса уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, иккинчидан парламент, ҳукумат, вазирликлар, ҳокимият ишларида кенгроқ жалб этиш имконияти яратилади.

Аёл қачон бахтли бўлади, унинг ўқиши, ишлаши учун шароит яратилса, муаммолари билан кимдир қизиқса, атрофда уни қўллаб-қувватловчилар бўлса, албатта. Юртимизда эса ҳар бир аёлнинг бахтли яшаши, саломатлигини тиклаши, илмий иш қилиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, ҳаётий манфаатлари, орзу-умидлари рўёбга чиқиб, мурод-мақсадига етиши учун барча имкониятлар мавжуд.

**Умида РАҲМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

1 Шундан келиб чиққан ҳолда, мажлис давомида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Улуғбек Илясович Иноятовнинг, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Робахон Анваровна Маҳмудованинг ҳамда Ўзбекистон Экологик партиясидан Абдушукур Худойқулович Ҳамзаевнинг ишончли вакиллари рўйхатга олинди.

Шунингдек, мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида Марказий сайлов комиссияси ҳузурида тезкор ахборот бериш маркази ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилинди ва тегишли Низом тасдиқланди.

"Call-center"нинг асосий вазифаси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида фуқаролар билан реал вақт режимида тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, сайлов комиссиялари фаолияти, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборотни фуқароларга ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар бериш орқали етказиш, шунингдек, сайловчиларнинг овоз бериш ва мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқлари сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш, фуқароларнинг сайлов қонунчилиги ва сайлов жараёнларидан хабардорлик даражасини оширишдан иборат.

Бундан ташқари, Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан ЕХҲТ/ДИИХБнинг 12 нафар сайловни кузатувчи миссияси вакиллари МСКнинг қарори билан аккредитациядан ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлардан келиб чиқиб, 39 та маҳаллий оммавий ахборот воситасининг 139 нафар вакили аккредитация қилинди. Шу бугунга қадар аккредитациядан ўтказилган маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларининг умумий сони 229 нафарни ташкил этмоқда.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 641. 17 421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.05 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6